

*Kuchkarova Makhmuda, lecturer,*

*Yunusova Zarnigor, student,*

*Fergana state university,*

*Uzbekistan, Fergana city*

*Кўчқарова Махмуда, ўқитувчи,*

*Юнусова Зарнигор, талаба,*

*Фарғона давлат университети,*

*Ўзбекистон, Фарғона ш.*

## **INCREASING PARENTAL RESPONSIBILITY AS AN EDUCATOR**

### **OF A DEVELOPED GENERATION**

**Annotation:** The family is an integral part of society. There is no nation, nation or society that has not taken into account the problems and values of the family and its surroundings in its history of development and in determining the prospects for development. No future can be imagined without the interests of the family. After all, for everyone, family is the beginning of life, the prelude to all things. In addition, every person connects his happiness and happiness, first of all, with his family, that is, only a person who is happy in his home, in his family, feels completely happy.

**Keywords:** education, culture, family, pedagogy.

## **БАРКАМОЛ АВЛОД ТАРБИЯЧИСИ СИФАТИДА ОТА -ОНА**

### **МАСЪУЛИЯТИНИ ОШИРИШ**

**Аннотация:** Оила – жамиятнинг ажралмас бўлаги. Бирор бир халқ, миллат ёки жамият йўқки, у ўзининг ривожланиш тарихида ва тараққиёт истиқболини белгилашда оила ва унинг атрофидаги муаммоларни, қадриятларини инобатга олмаган бўлса. Ҳар қандай истиқбол оиланинг манфаатларидан айро тасаввур қилинмайди. Зоро, ҳар бир инсон учун оила – бу умринг бошланиши, барча нарсаларнинг муқаддимасидир. Қолаверса, ҳар бир инсон ўз баҳти ва саодатини энг аввало оиласи билан боғлайди, яъни,

ўз уйи, оиласида бахтли бўлган инсонгина ўзини тўлақонли бахтиёр ҳис этади.

**Калит сўзлар:** таълим-тарбия, маданият, оила, педагогика.

Шуни алоҳида таъкидлаш ўринлики, оиланинг мавжудлиги аввало ота ва онанинг ўз вазифаларини бажариши билан боғлиқдир. Туғилган фарзанднинг етук инсон бўлиб вояга етишида ота-она бирламчи роль ўйнайди. Агар оиласида ота ва она ўз вазифаси ижобий бажарилса, яъни болада оилага, ота-онага, кексаларга ҳурмат, ўзаро ёрдам ҳислатлари шаклланса, у келажакда оила қургач, ўзи ҳам фарзандларини худди шундай тарбиялашга интилади. Зоро, муқаддас Хадис шарифларда ҳам ота ва онанинг тарбиячилик мақомлари тўғрисида шундай дейилган: «Ҳеч бир ота-она боласига яхши одобдан ортиқ ҳадя бера олмайди». Ҳазрат Алишер Навоийни ўқир эканмиз, унинг “Фарзанд ҳаётда ҳар бир нарсадан аъло, устун ва севишга лойик табиат муждоси. Шунинг учун ҳам болага кўз-қулок бўлмаслик, уни назоратсиз қолдириш, ўз вақтида тўғри тарбия бермаслик, кейинчалик ёмон оқибатларга олиб келиши мумкин” деган пурмаъно сўзлари миллатимизда фарзанд тарбияси борасида ота онанинг масъулияти миллий қадрият эканлигидан дарак беради.

Юртбошимиз Мұхтарам Ислом Каримов ўзларининг “Ўзбекистон мустақиликка эришиш остонасида” асарларида таъкидлаганларидек, “Республикамизнинг бугунги ва эртанги тақдирни ёш авлоднинг касб маҳорати, интеллектуал даражаси, маънавий тараққиёти, жисмоний соғломлигига боғлиқ” бўлиб, бу даражанинг амалдаги кўриниши оиласидаги маънавий ҳамда психологик мухитга боғлиқдир. Яъни, фарзанднинг ҳар томонлама камол топишида аввало шу оиласидаги ижтимоий психологик мухит катта роль ўйнайди.

Оиласидаги мухит эса энг аввало уни ташкил этувчиликлар ўртасидаги самимий муносабатларнинг характеристига боғлиқдир. Оилаларимизда ҳар томонлама соғлом мухит ҳукмрон экан, фарзандларимиз баркамол вояга этадилар, фуқаролари баркамол жамият эса ҳеч қачон завол топмайди.

Жамият таянчи соғлом оила бўлар экан, фарзандлари миллат даражасида тафаккур қилишга қодир бўлган бундай юрт барқарор тараққиёт йўлидан оғишмайди, амалга ошираётган барча ислоҳотларимиз албатта самара беради. Зеро, оилавий тарбия ва ундаги ота ва она масъулияти масаласи бизнинг қонунларимизда ҳам муҳрлаб қўйилган. Мамлакатимизнинг Бош Қомуси Конституциямизнинг 64 моддасида “Ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиши ва тарбиялашга мажбурдирлар” деган норманинг мавжудлиги ҳам ота ва оналарга қонуний юкланган вазифадир. Ушбу Конституциявий норманинг бажарилмаслиги тўғрисида Президентимиз фикрлари айни глобал ўзгаришлар даврида ота-оналик институтининг муҳимлигини янада яққол намоён этади: “... Болаларимизни ёшлиқ чоғидан бошлаб миллий тарбия, ахлоқ-одоб, юксак маънавият асосида вояга етказиш биз учун доимо долзарб аҳамият касб этиб келган. Бу масалага эътибор бермаслик нафақат айрим ота-оналар, балки бутун жамият учун жуда қимматга тушишини ҳам кўпгина ҳаётий мисолларда кўриш мумкин... Ақли расо ҳар қайси инсон яхши англайдики, бу ёруғ дунёда ҳаёт бор экан, оила бор. Оила бор экан, фарзанд деб аталмиш бебаҳо неъмат бор. Фарзанд бор экан, одамзод ҳамиша эзгу орзу ва интилишлар билан яшайди”.

Шундай қилиб, оила – бу эр-хотин, ота-она ва болалар ўртасида шаклланган муносабатларнинг тарихий тизими, унинг аъзолари бир-бирлари билан қариндош-уругчилик ва никоҳ билан боғланганлар. Маълумки, оила яхши ва маъқул анъаналар ва қадриятларни бузилмаган ҳолда сақлаб, уларни кейинги авлодга етказиш вазифасини бажариб келган. Шунга кўра, ҳозирги кунда ҳам оиланинг асосий вазифаларидан бири – миллатга хос бўлган авлодлар тарбиясидаги узлуксизликни таъминлаб беришdir.

Жамиятдаги ўзгаришлар оилага таъсирини кўрсатганидек, оиладаги ўзгаришлар ҳам жамиятга албатта ўз таъсирини кўрсатади. Болани шахс сифатида шакланиши, орзу-умидлари қанот ёзиб келажакка интилишлари оила муҳитида қарор топади. Оиладаги хайриҳоҳлик, ўзаро муносабат атроф-муҳитга ўз таъсирини кўрсатмай қолмайди. Олиб бораётган тадқиқотлардан

маълум бўлишича, ота-она обрўсининг кўтарилиши ёки пасайишида фарзандларнинг алоҳида ўрни бор. Айниқса, педагоглар, олимлар, раҳбарлик лавозимида фаолият юритаётган инсонларнинг оилаларида бу жараён ўзига хос характерга эга эканлиги маълум бўлди. Айнан раҳбарлик лавозимларида ишлайдиган ходимларнинг 37 фоизи оилада фарзанд тарбиясига алоҳида вақт ажратиб, ота-оналий масъулиятини унутмасликлари, вақтлари тифиз бўлишига қарамасдан фарзандлари тарбиясига ўзгача хавотир ва ташвиш билан қараётганлиги ҳамда ота-онанинг фарзандларига муносабати педагогик-психологик талаблар даражасида эканлиги аниқланди.

Айниқса, фарзанд ота-она буюрган уй юмушларини ўз вақтида бажариб бориши, ўқишига ёки ишга кетиш олдидан ота-онадан рухсат ёки фотиҳа олиб чиқиб кетишлари, имкон қадар ота-онанинг кўнглига қараб одоб билан муомала қилишлари, ота-она сўраган пайтда «лаббай» деб жавоб беришлари оила шароитида фарзандни ота-она олдидаги бурчини тўғри адo этаётганлигини кўрсатади. Тадқиқотчилар сўровларда шу билан бирга раҳбар ота-оналардан 52 фоизи бола тарбияси учун жуда кам вақт ажратаетганликларини аниқлаганлар. 11 фоиз раҳбар ота-оналардан, биринчи навбатда, оталар бола тарбияси учун деярли вақт ажрата олмасликларини билдиришди.

Раҳбарлар, биринчи навбатда, педагогик жамоада раҳбар лавозимида ишлаётганлар, педагоглар ва мураббийлар ҳамиша зиёлилар сифатида халқ ва элнинг назарида бўлганликлари учун ҳам оила ва оилавий муносабатлар борасида ҳам барчага ибрат бўлишлари ва ўз навбатида фарзандларига тарбия ва таълим беришда ҳам ҳар томонлама намуна бўлишлари шарт.

Раҳбар ва педагоглар халқ оммаси орасида тарғибот ва ташвиқот ишларини амалга оширганда, аввало ҳар бир ота ва она фарзанд камолотидан бирламчи манфаатдор шахслар эканлигини, оиладаги хотиржамлик, бағрибуғунлик ва саломатликни асраш борасидаги ўз имкониятларидан кенг ва тўла фойдаланишга ўргатишда ёшларнинг оила ва никоҳга психологик жиҳатдан тайёр бўлишларига алоҳида эътиборларини қаратишлари лозим.

Демак, баркамол авлод учун ватанпарварлик, юртпарварлик зарур сифат эканлигини билсак, аввало ота - оналарни фарзандларнинг кўз ўнгида ўз оиласи, маҳалласи, шахри ёки қишлоғи, юрти қадриятларига садоқатли, касбидаги мукаммал уста, истиқболга ишонган, ватанпарвар тимсолида гавдалантиришга, биринчи навбатда вояга етмаган фарзандлар билан ишлашга, уларни тарбиялашга ўргатишимиш, ушбу масалага бағишиланган оммабоп рисола ва қўлланмалар яратишимиш керак.

Фарзандининг меҳнатсевар, хунарли, эпли ва ақлли бўлишини ҳохлаган ота-она эса аввало ўзи ҳар бир қилган амалида фаросатли, дидли, сабртоқатли, ҳар қандай мақсад-муддао олдида қийинчиликлардан қўрқмайдиган, ҳалол ва тиришқоқ эканлигини кўрсата олиши зарурдир. Зоро, бугуннинг боласи учун айтиш, тушунтириш, ҳадеб панд-насиҳат қиласавериш камлик қиласади, уни ўргатиши, унга намуна ва ибрат бўлиши, инсоний фазилатларни амалда кўрсатиши малакасига эга бўлиш лозим.

Бола тарбиясини таъминловчи барча омилларни она ва ота билиши шарт. Бола уларни психологик жиҳатдан идрок этар экан, ундан барча хатти-харакатда ўрнак олади. Оилага бу ишда мадад берувчи таълим муассасалари эса ҳар бир тарбияланувчини қайси оиланинг фарзанди эканлиги, ундаги ота-она – фарзанд муносабатларининг характеристикини билагни холда унинг қалбига йўл топиши керак. Маҳалла фаоллари эса ҳар бир хонадонда ўсиб вояга етаетган ёшлар тарбиясининг энг халқбоп, қадриятларимизга асосланган услугуб ва шаклларини ўрнида жорий этиб, амалда “Оила – маҳалла – таълим муассасаси ҳамкорлиги Концепцияси”нинг ижросини таъминлашлари даркордир.

Албатта, буларнинг барчаси аввало фарзандларимиз қалбидаги истиқболда мустаҳкам ва аҳил оила қуришга нисбатан интилишни шакллантиради, демак, ўз сайъи-харакатларимиз билан фарзандларимизни келгуси ҳаётга тайёрлаб борамиз. Энг муҳими оила қўрғонимизни бут, соғлом, муносабатларимизни самимий қилиш воситасида ёшларимизни турли хил заррарли иллатлар домидан, гиёҳвандлик, аҳлоқсизлик, динсизлик, “оммавий

маданият”нинг таҳдидларидан асраб қоламиз, албатта. Шу маънода ўтиб бораётган “Мустаҳкам оила йили” жамиятимизнинг каттасию-кичиғи учун, психолог олимлари учун таъсирчан ва самарали ишлар йили бўлмоқда. Зеро, 2012 йил ўз олдига кўйган эзгу мақсадлари билан ҳар бир оиласда истиқболга янада ишонч ва шу Ватанинг ютуқларини ардоклаш ва кўпайтиришга чексиз куч ва қувват беради, деб умид қиласиз.

Хўш, юкоридагилардан келиб чиқиб, зиёлилар, биринчи навбатда, ўқитувчи мураббийлар ва маориф соҳасининг раҳбарлари нималарга эътибор қаратишлари лозим?

Биринчидан, фарзандларимизни миллий тарбия, ахлоқ-одоб, юксак маънавият асосида вояга етказишининг долзарблигини инобатга олиб, оила муҳити ва ундаги маънавиятни барқарорлаштиришнинг энг таъсирчан ва амалда синовлардан ўтган усул ва ёндашувларни такомиллаштириш;

Иккинчидан, бола онги шаклланишининг ilk маскани оила эканлигидан келиб чиқиб, ота-оналикнинг тарбиявий имкониятларини янада кучайтиришнинг моддий ва маънавий асосларини илмий-амалий жиҳатдан чуқур ўрганиш ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш;

Учинчидан, миллий менталитетимиз хусусиятига кўра бола шахсининг тарбияланганлик даражасини белгилашда маҳалла омилининг роли катта, «Маҳалла – ҳам ота, ҳам она» деган нақл ҳам бежиз эмас. Шу боис маҳаллалар қошида энг фаол, кўпни кўрган, маънавий даражаси юксак фуқароларнинг потенциалларидан фойдаланган ҳолда турли ўқув марказлари, тўгараклар, Клублар, ижтимоий кўникум масканлари, маслаҳатхоналар, «Ишонч телефонлари» каби ижтимоий институтлар ташкил этиш ва улар самарадорлигини мониторинг қилиш услубларини такомиллаштиришда шу маҳалла худудида жойлашган мактабгача таълим, умумўрта таълим ва касб ҳунар таълими муассасаларининг амалий ва таъсирчан ҳамкорлигини йўлга кўйиш;

Тўртинчидан, оила муҳити ва ундаги соғлом муносабатларда аёлнинг роли катта эканлигидан келиб чиқиб, қизлар тарбияси борасида оналар,

мактаб психологи, маҳалладаги диний маърифат ва маънавий ахлоқий тарбия масалалари бўйича маҳалла маслаҳатчилиги ҳамкорлигини оширишнинг илғор ва таъсирчан педагогик психологик усусларини такомиллаштириш; қизларни касб ҳунарли ва маълумотли бўлишларига катта эътибор бериш.

#### **Адабиётлар рўйхати:**

1. Kuchkarova, M. A. (2020). РЕШЕНИЕ НЕСТАНДАРТНЫХ ЗАДАЧ МЕТОДОМ РАССУЖДЕНИЯ НА УРОКАХ МАТЕМАТИКИ В НАЧАЛЬНЫХ КЛАССАХ. *Theoretical & Applied Science*, (1), 682-685.
2. Adkhamjanovna, Q. M. (2020). Development of creative abilities in primary schools using ICT. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, 10(4), 807-811.
3. Kuchkarova, M. A. THE IMPORTANCE OF LOGICAL PROBLEMS IN DEVELOPING CRITICAL THINKING OF CHILDREN. *Zbiór artykułów naukowych recenzowanych.*, 171.
4. Zokirova, S. M., & Topvoldiyeva, Z. R. (2020). ABOUT BORROWINGS IN THE UZBEK LEXICON. *Theoretical & Applied Science*, (4), 701-705.
5. Zokirova, S. M., & Axmedova, D. O. (2021). WORKING WITH BORROWINGS GIVEN IN DICTIONARIES OF PRIMARY SCHOOL TEXTBOOKS. *Theoretical & Applied Science*, (3), 275-278.
6. Mukhtoraliyevna, Z. S. (2021). The use of Vocabulary Words in the Dictionary Given in the Textbook of the 1st Class Native Language and Reading Literacy. *International Journal of Culture and Modernity*, 10, 39-42.
7. Mukhtoraliyevna, Z. S. (2016). The notion of non-equivalent vocabulary in linguistics. *International Journal on Studies in English Language and Literature (IJSELL) Volume*, 4, 70-72.
8. Зокирова, С. М. (2016). О конгруэнтном явлении в контрастивной лингвистике. *Наук Европы*, (8-2 (8))).
9. Бахтихон, К. (2017). MAKON MA“ NOSINI IFODALOVCHI LEKSEMALARINING LINGVISTIK MAYDON SIFATIDA O“ RGANILISHI. *Актуальные научные исследования в современном мире*, (4-2), 53-58.

10. Narkabilova, G. (2021). Extracurricular activities are a key element in the organization of the educational process. *Turkish Journal of Computer and Mathematics Education (TURCOMAT)*, 12(4), 1029-1033.
11. Narkabilova, G. (2021). ON THE IMPORTANCE OF DEVELOPING FINANCIAL LITERACY AMONG PRIMARY SCHOOL PUPILS. *Theoretical & Applied Science*, (5), 219-221.
12. Gafurova, M. A. (2020). РАЗВИТИЕ ПОЗНАВАТЕЛЬНОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ УЧАЩИХСЯ ПРИ РЕШЕНИИ ЗАДАЧ. *Theoretical & Applied Science*, (1), 677-681.
13. Gafurova, M., & Kenjaeva, M. THE FORMATION OF ECONOMIC IDEAS OF PUPILS BY TEACHING MATHEMATICS IN PRIMARY SCHOOLS. *Zbiór artykułów naukowych recenzowanych.*, 164.
14. Кахаров, К. Ш. Узбек ва немис нуткий этикетларининг киёсий тадқики. *Филология фанлари буйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертацияси*, Андижон-2020.
15. Teshboyev, D. R. (2021). ON THE SEMANTICAL ANALYSIS OF THE PARYPREDICATIVE UNITS OF COMPLEX FOLLOWING. *Theoretical & Applied Science*, (4), 390-392.
16. Yuldashev, I. A. (2020). Pedagogical Bases Of Formation Of Social Activity In Pedagogical Sciences. *Теория и практика современной науки*, (5), 67-69.
17. Yuldashev, I., & Toshboltaeva, N. I. (2020). Analysis Of Personality Traits In Athlete Activities. In *Психологическое здоровье населения как важный фактор обеспечения процветания общества* (pp. 72-74).
18. Yuldashov, I., Umaralievich, K. U., Goynazarov, G., & Abdurakhmonov, S. (2021). Innovative development strategy in the field of sports and the basics of its organization. *Asian Journal of Research in Social Sciences and Humanities*, 11(11), 48-53.

19. Ismoilovich, I. M. (2021). THE SOCIETY IS AT A NEW STAGE OF DEVELOPMENT PRIORITY IN EDUCATION SYSTEM REFORM FUNCTIONS.
20. Абдумаликов, А. А. (2017). ФОРМИРОВАНИЕ ИНФОРМАЦИОННОЙ КУЛЬТУРЫ МОЛОДЕЖИ. *Theoretical & Applied Science*, (11), 277-280.
21. Teshaboev, M. M. (2019). TASKS OF ETHICAL CULTURE IN THE ETHICS OF ARISTOTLE. *Scientific Bulletin of Namangan State University*, 1(5), 197-204.
22. Nurbek, A. (2021). Management Psychology Leader and Its Characteristics. *Ижтимоий Фанларда Инновация онлайн илмий журнали*, 1(1), 13-16.
23. Sodirzoda, M. M. (2021). Ways to cultivate the creative thinking of beginners in the classroom through information and communication technologies. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, 11(5), 955-958.
24. Sodirzoda, M. M. (2021). Techniques of using folk proverbs in the cultivation of oral speech of primary school students. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, 11(10), 481-484.
25. Shavkatovna, S. R. (2021). Methodological Support for The Development of Primary School Students' Creative Activities. *Texas Journal of Multidisciplinary Studies*, 2, 121-123.
26. Kipchakova, Y. X., & Kodirova, G. A. (2020). INNOVATIVE TECHNOLOGIES IN MODERN EDUCATION. *Теория и практика современной науки*, (5), 29- Bozarov, D. M., & Karimova, G. Y. (2021). ROLE OF THE SELF-ORGANIZATION MODEL IN COMPLEX SOCIAL SYSTEMS. *Oriental Journal of Social Sciences*, 1-9.
27. Каримова, Г., Акбарова, М., Акрамжонов, Қ., & Йўлдашева, Г. (2021). ЖАМИЯТ ИЖТИМОИЙ ТАРАҚҚИЁТИДА ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ. *Интернаука*, (10-3), 42-43.

28. Abdurakhmonova, M., Karimova, G., & Karimova, M. (2021). ROLE OF ETHICAL CULTURE IN PREVENTING VIOLENCE AMONG SPUPILS. *Интернаука*, (11-2), 50-51.
29. Каримов, Ў., Каримова, Г., & Каримов, Ў. (2021). ИЛМ-ФАН ВА ТАЪЛИМ СОҲАСИДАГИ АХБОРОТЛАШУВ. Central Asian Academic Journal of Scientific Research, 1(1), 103-110.
30. Каримов, У., & Каримова, Г. (2018). ГЕОПОЛИТИЧЕСКАЯ КОНКУРЕНЦИЯ В ИНФОРМАЦИОННОМ ПРОСТРАНСТВЕ. In *Перспективные информационные технологии (ПИТ 2018)* (pp. 1368-1372).